

# Қиёматнинг кичик аломатлари (7)

[ Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي ]

*Шайх Носир ибн Мухаммад Аҳмад*

**Таржимон:** Абу Жаъфар ал-Бухорий

**Нашрга тайёрловчи:** Абу Абдуллоҳ Шоий

2013 - 1434

**IslamHouse**.com

# أَشْرَاطُ السَّاعَةِ الصُّغْرَى (7)

« باللغة الأوزبكية »

ناصر بن محمد الأحمد

مترجم: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳим*

## **Биринчи хутба**

Барча ҳамдлар Оллоҳга хосдир... Биз Ундан ёрдам, нафсимизнинг ёмонлиги ва амаллари- мизнинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират сўраймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган одамни адаштирувчи, адаштирган одамни ҳидоятловчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Мухаммад эса Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман.

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقًّا تُقَاتَلُهُ وَلَا تَمُوْتُنَ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ ﴾

**«Хой мўминлар, Оллоҳдан лойиқ бўлганидек кўркинглар ва мусулмон бўлган ҳолингизда вафот этинглар!»** (Оли Имрон: 102).

﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ وَالْأَرْحَامُ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا ﴾

**«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни**

**тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Оллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Оллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир». (Нисо: 1).**

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَقُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا، يُصْلِحُ لَكُمْ أَعْمَالَكُمْ وَيَغْفِرُ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَمَن يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ فَازَ فَوْزًا عَظِيمًا﴾

**«Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Оллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилар. Ким Оллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ баҳтга эришибди». (Ахъзоб: 70-71).**

Дўстлар, билингларки, гапларнинг тўғрироғи – Оллоҳнинг каломи, йўлларнинг яхшироғи – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли, ишларнинг ёмонроғи – янги пайдо бўлганлари, хар бир янги пайдо бўлган нарса – бидъат ва барча бидъат – залолатдир).

Сўнг ...

Бу, ўтган жумаларда айтиб ўтилган хутбаларнинг давоми бўлган Қиёмат шартларининг бошқа шодасидир. Улардан бири, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эслатган, одамлар орасида кўққисдан ўлишининг кўпайишидир.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ҳадисни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қадар етказди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «... *ва қўққисдан ўлишининг кўпайиши – Қиёматнинг аломатларидандир*». (Табароний «ал-Мўъжамус сагийр»).

Бу ўлим, ҳозирги кунда кенг тарқалди. Ўтмишда одам ўлимнинг бошланғич аломатларини билар, bemornining неча кун яшашини тахмин қила олар, бу касалликнинг ўлим билан тугашини ҳис этар, васиятини ёзар, оиласи билан видолашар, фарзандларига тавсияларда бўлар, ҳатто, Роббисиги йўналиб тавба ва тазарру қилас, ҳаётдаги энг охирги жумлалари бўлиши учун шаҳодат қалималарини такрорлар эди. Ҳозир-чи, бирон касалликдан шикоят қилмаган соппа-соғ одамнинг бирдан ўлиб қолганини эшитасиз! Бугунги кунда у «инфаркт» деб аталади. Автоҳалокатларда ҳам одамлар кўққисдан ўлиб қолаятилар. Иш шундай экан, оқил одам ўзига

хүшёр бўлиши, Роббисига қайтиб тавба қилиши керак.

Севимли биродар, қўққисдан ўлиб қолишга тайёр туринг! Балки ушбу хутбани охиригача тинглай олмассиз. Намозни таҳрима такбирини айтиб бошлаган қанча одамлар борки, уни салом билан тугаллай олмаганлар. Шунинг учун ҳам Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ шундай деган:

*Бўши қолганда бир ракаат намозин қадрини бил,*

*Шояд ўлим сенга келар, кутмасанг-да қўққисдан.*

*Қанча-қанча соглом бўлган инсонларни кўрганман*

*Соглом жонлари чиққан, ҳеч бир кимса кутмасдан.*

Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ: Энг ажабланарли нарса шуки, Бухорийнинг ўзининг бошига ҳам шундай ёки шунга яқин фалокат тушган, – деди.

Қиёматнинг шартларидан яна бири, араблар яшаётган ўлкаларда ўтлоқлар ва дарёларнинг пайдо бўлишидир. Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ «Саҳих»ида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу тарафидан нақл қилинган ушбу ҳадисини келтирди: «Араблар ери ўтлоқ ва дарёларга айланмагунича, Қиёмат қоим бўлмайди». (Имом Муслим, 2386).

Араблар яшаётган ерлар сув ва ўсимликлари оз, сувларининг асосий қисмлари ёмғир ва қудуқлардан таъмин этиладиган чўл ва сахролардан иборат экани ҳаммага маълум. Ушбу ернинг ҳолати ўзгариши, сувларнинг сероб бўлиши, ҳатто дарё бўлиб оқиши, бу билан ўсимликларнинг униб чиқиб, ўтлоқ, боғ ва бўстонларнинг кўпайиши, Қиёматнинг аломатларидандир. Биз ҳозирги кунда дарёдек отилиб чиқаётган ва қишлоқ хўжалигининг ривожланишига сабабчи бўлаётган кўплаб булоқларнинг отилиб чиқаётганига шоҳид бўляяпмиз. Шояд буларнинг энг ажабланарлиси Имом Муслимнинг «Саҳих»ида келган Табук миңтақаси ҳақидаги ҳадис бўлса керак. Зоро у миңтақанинг ерларидан авваллари ҳеч кўрилмаган маҳсулотлар етиштирилмоқда.

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳу ривоят қиласи:  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук  
жангги ҳақида: «*Инишарллоҳ, сизлар эртага Табукнинг*  
*булоқларига етиб борасизлар. Сизлар эртага*  
*чошгоҳгача Табукка етасизлар. Ким у ерга етиб*  
*борса мен келмагунимча унинг сувларига тегмасин!*»  
– дедилар. Муоз разияллоҳу анҳу айтади: Булоқларга  
ҳаммамиздан илгари икки киши етиб келди. Булоқ  
худди пойабзалнинг ипидек жуда ҳам оз сув чиқарар  
эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у  
иккисига: «*Унинг сувига қўл теккиздингларми?*» – деб  
сўрадилар. Улар: Ҳа, – дейишгач, Расулуллоҳ  
соллаллоҳу алайҳи ва саллам иккисини Оллоҳ иродада  
қилганича уршиб бердилар. Сўнгра одамлар  
қўлларини (ҳовуч қилиб) булоққа аста-аста кола  
бошлашди. Анчагина сув йигилди. Расулуллоҳ  
соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллари ва юзларини  
ювгач, булоқ қуйилаётган сувдек сероб бўлиб оқа  
бошлади. Ундан одамлар ҳам ичишди. Сўнгра  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Хой Муоз,*  
*умрингдан бўлса бу ерларнинг бўстонларга тўлганини*  
*кўрасан*», – дедилар. (Имом Муслим, 6086).

Биз бугунги кунда Табукнинг боғу роғларга  
тўлиб-тошганини кўриб турибмиз.

Қиёматнинг шартларидан бири, мусибатлар-нинг қаттиқлигидан ўлимни орзу қилишдир.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиласы:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Бирор бошқасининг қабри олдидан ўтар экан: Кошки шунинг жойида мен бўлсайдим, – демагунича Қиёмат қоим бўлмайди*». (Ином Бухорий, 7115);

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, бу дунё бир эркакнинг қабр олдидан ўтиб, унга ёпишиб: Кошки мен шу қабрдаги одам ўрнида бўлсайдим, демагунича йўқ бўлмайди. Чунки унда дин(га амал қилиш)дан фақатгина мусибатлар бўлади, холос*». (Ином Муслим, 7486).

Ўлим умиди фитналар кўпайганида, ҳолатлар ўзгарганида, шариат ибодатлари ўзгартирил- ганида бўлади. Абдуллоҳ ибн Маъсүд разияллоҳу анҳу: «*Бошингизга шундай кунлар келадики, бирорингиз ўлим сотилаётганини кўрса харид қиласы!*» – деди.

Ҳатто бир шоир:

*Ҳаётда қолмади-ку, ҳеч бир яхшилик,*

*Ўлим сотилса гар, хариð қиласайлик!,*

деб ёзган.

Иш Ҳофиз Ироқий айтгани кабидир: «Бу ҳолатнинг ҳар бир шаҳар ёки ҳар бир замонда ёхуд бутун инсониятда (бирданига) бўлиши шарт эмас. Балки унинг айрим ўлка ва айрим замонларда бўлиши кифоядир».

Оллоҳга ҳамдлар бўлсинки, биз осуда ҳаёт кечирмоқдамиз. Оллоҳ таолодан доимо осуда ҳаётни бериши, фитналардан йироқ қилишини тилайман. Бироқ, кунлар “ҳомиладор”дир. Биз ҳозирги замонда осуда ҳаёт кечираётган бўлсак, кўп давлатларда яшаётган мусулмонлар оғир босқичлардан ўтишмоқда ва улардан бири мусибатларнинг қаттиқлигидан ўлимни орзу қилмоқда!

Яқин кунларда Ливан, Фаластин ва Шимолий Ироқдаги мусулмонларнинг аянчли хабарлари- ни тинглар эдик. Босния, Чеченистон ва бошқа

ўлкалардаги мусулмонлардан айримлари Ер юзида бошига келган нарсаларни кўриб, Ернинг ичига кириб кетишни орзу қилган эди. Ўйлаб кўринг, сизнинг хонадонингизга рафиқангиз ва фарзандларингиз билан ўтирган пайтингизда душманлар бостириб кириб, кексайган отангизни қўлга олишса ёки қўйни сўйгандек кўз олдингизда бўғизлашса, ёки кампир онангизни ушлаб қорнини кўз ўнгингизда ёришса, сўнгра, қўлингиздан хотинингизни тортиб олиб кўз ўнгингизда номусига тегишса, фарзандларингизни олиб кўз ўнгингизда чўкиб ўлгунларича сув бочкалари ичига солишса, ўлим сизга булатни кўришдан кўра яхшироқ эмасми?! Бундай ҳолатни кўришдан кўра ўлимни афзал кўрмайсизми?! Оллоҳ таолодан бизга бундай ҳолатларни кўрсатмаслигини сўрайман!

Демак, дўстим, Ислом Олами ва Ер юзининг турли жойларида сизнинг шундай биродар- ларингиз борки, улар аянчли кунларни бошларидан кечиришиб, ҳаётларининг энг оғир синовларини ўтказишмоқда. Мусулмонлар қирғин қилинмоқда, уларга нисбатан қатлнинг энг хунук ва ваҳший усуллари қўлланилмоқда. Тожикистон (тўқсонинчи йилларда бўлиб ўтган ички урушлар асносида) ва бошқа давлатлардан келган хабарларга қараганда,

мусулмонларни сафга тизиб электрли аррадан ўтказишган. Ўша сафда турган одамни олдидағи мусулмоннинг арраланишини ўз кўзи билан қўриб турган пайтини тасаввур қилинг!

Болалар ва чақалоқларни олиб қувурга тиқиб, қувурнинг икки тарафини беркитиб, ичидағи норасидалар ўлгунича бир неча соат давомида очмай туришган! Айтинг-чи, ўша бечораларни бевосита ўқ ёки бомба ёхуд автоматлар билан ёппа ўлдирилса яхши эмасмиди?! Ҳа, яхши эди!

﴿إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ﴾

**«Албатта биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз».** (Бақара: 156).

Биз эса футбол ёки эркин қураш мусобақаларини томоша қилиш билан бандмиз! Эркакларимиз эса, мен ёшлар ёки хотин-қизлар демаяпман, эркакларимиз эса хеч нарса бўлмаганидек қўшиқ куйлаб, рақсга тушиш билан овора!! Сизлар Оллоҳ таоло бизни мусулмонларга нисбатан ушбу лоқайдлигимиз ва камчилигимиз ёки ўтказаётган ўйин-кулгу, ғафлат ва беҳуда нарсалар билан тўлибтошган ҳаётимиз ҳақида сархисоб қилмайди, деб

ўйлайсизларми?! Ўзи ёлғиз илоҳ бўлган Оллоҳ номига қасамки, Оллоҳ ҳар биримизни шахсий ҳаёти ва Умматининг аҳволидан сарҳисоб қиласи! Ўшанда сиз нима дейсиз?! Мусулмон биродарларимизга нисбатан қилган лоқайд- лигимиз ва улардан ғафлатда қолганимиз боис, бу дунёда ҳам азиятлар чекамиз. Ҳар ҳолатимиз ўзимизга маълум. Зеро, қочишни ҳам билмаймиз! Кўрфаз уруши бўлган пайтда сафарбарлик, фидоийлик ва душманга қарши жабҳага кетиш ўрнига, қочишни ҳам эплай олмаганмиз!!

Оллоҳ таоло бирон кишига: Сен фалончи қабиладансан. Сен фалон ва пистон наслдансан, деб айримчилик қилмайди. Оллоҳнинг амрларига қарши келиш ва гуноҳкорлик Оллоҳнинг жазосига ё бу дунёда ва ё у дунёда, ёки дунёда ҳам, охиратда ҳам сазовор қиласи.

Тун сайёхи, тунимиз зулматлар-ла қопланди,

Тақаси йўқ отларга тақилмади тақаси.

Тун сайрида бокма ўнгу сўлингга

Тонггимизнинг ялтираган ёғдуси бор,

Ўша пайтда тўпланар чавандозлар сараси.

Кечамизнинг зулматидан қиласиз кўп шикоят,

Унинг зулматлари қоплади ҳар тарафни.

Ундан қутилишга қолмади бизда чора.

Чошгоҳлари Фаластин чақирар қилиб нола,

Ижобат қилганлар кўзимга чалинмайди,

Мусулмонлар лаззат-ла, эканмилар овора!

Рабин<sup>1</sup> ғуурланди қилиб катта зафарни,

Қуддусни сотган аҳмоқ, ёзиб мағлубли дастурхон,

Деди: Аввалги яхудлар адашганди, эндингилар

Адолатли бўлдилар, келиб омонли замон!

Тилларинг узилсин қуриб кетгур!

Қасам Оллоҳга-ки, яхудлар ғууримизни,

---

<sup>1</sup> Исҳак Рабин – Сионист Истроил давлатининг президенти.

Оёқ ости қила олмаслар абад!

Куддус бизнинг тупроғимиз,

Жароҳат қонаса ҳам илалабад!

Эй ваҳший яхудлар, севинмангиз ҳеч,

Чунки дунёқараш ва фикрларимизни

Зулмат қоронғуси қопламади ҳеч!

Қонлар тўқилган тароғимизнинг ҳар қаричида,

Чалғитиши мумкин фикрларни мусибат.

Диндош синглинизнинг номусин топтаб,

Болқонларда кофирлар келтирдилар фалокат.

Синглилиз фарёд чекиб истаса кўмак,

Халқлар бепарво, ишлари ичмак, емак.

Кечир синглим, менинг халқим ўта банд,

Жасорат-ла, ҳаққа ёрдам беролмайди.

Маишатлар байроғини құлға олган

Фитна ботқоғида, сағсатадан ортга қайтолмайды.

Нима дейин? Нима ҳақда очай оғиз?

Нима дейин? Юзларимни тирнамоқда хижолат.

Асали-ю, тоти бўлмас кўкат мисол,

Умматимни оғулади бу жароҳат!

Нетай, Оллоҳ суннатлари шундай кетар,

Ҳар мусибат Оллоҳ учун кўтариладар!

Ҳой мусулмонлар, Оллоҳ таолодан қўрқайлик ва хушёр бўлайлик! Энди, ғафлат ва эътиборсизлик етар! Иш жуда ҳам хатарли. Энди бир неча амалий одимларни отайлик. Ҳар бир мусулмон уммати учун бирон нарса беришга қодир. Масалан, шу мисолни олиб қўрайлик. Нега ўз маошингиз ёки даромадингиздан у ер, бу ердаги мусулмонлар бошига келган фалокатларни деб, Оллоҳ учун айирган озгина ионангизни тўхтатасиз? Биз амалда мусулмон бўлиш учун ҳар ой минг ёки икки минг

риял беришингизни талаб қилмаймиз. Сиз ҳар ой йигирма риял бера олмайсизми? Биз сиздан ҳар ой йигирма риял талаб қиласиз. Ундан ортиқ эмас. Аммо ҳар ой! Сиз, бу лойиҳада бизга ўртоқ бўлинг! Чунки айрим одамлар бирон хутба ёки маърузадан таъсиrlаниб, ҳиссиётларига берилишиб, минлаб риялларни садақа ёки иона учун беришади-да, ўнлаб йиллар давомида «ухлаб» қолишади! Бизга ҳиссиётлар садақаси ёки ўткинчи таъсиrlар садақаси керак эмас! Биз ўлим шаробини ичгунча йигирма риял беришни талаб қиласиз! Агар шу маҳалладаги хонадон ва яшаётган одамлар сонини ҳисоблар кўрсак ва айтилган пулни беришса, бир ойда қанча пул йиққан бўласиз? Менинг ҳисобимча, ўн минг риялни аниқ тўплаймиз. Айтинглар-чи, шу маблағ билан бир неча фақир ва таркибида бевалар бўлган оиланинг эҳтиёжларини қондира олмаймизми?! Ёхуд бошқаларнинг кўзига қийналаётганларини кўрсатмай, хорликдан пардалай олмаймизми?! Агар шундай оддий, лекин, чўнтағимизга оғир бўлмайдиган лойиҳалар билан йўлга чиқсан, умматимиз учун талайгина ишларни қилишимиз мумкин. Бу, хаёлимизга келган бир фикр, холос. Мен ишонаманки, сизлардек оқил ва зукко одамлар бир оз

ўйланиб кўришса, шу мавзуга тааллуқли ўнлаб лойиҳалар вужудга келиши мумкин.

Оллоҳ таолодан бизларни Тўғри йўлга ҳидоят қилишини тилаймиз ...

Ушбу сўзларни айтиб (Оллоҳ таолодан менинг ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилишини сўрайман).

## **Иккинчи хутба**

Оллоҳнинг берган инъомларига ҳамду санолар бўлсин ...

Сўнг ...

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қиёматнинг аломатлари орасида зикр қилган нарсалардан бири, замона охирида Қаҳтон қабиласидан бир киши чиқиб, одамларгаadolat билан хукм қилишидир. У, солиҳ кишилардан бири бўлиб, одамлар унга итоат этишади ва атрофида жамланишади. Бу, ҳолатлар ўзгарган пайтда рўй беради. Шунинг учун ҳам Имом Бухорий раҳимахуллоҳ қаҳтонлик бу киши ҳақидаги ҳадисни Замонлар ўзгариши бобида зикр қилди. Қаҳтонлик киши замона охирида чиқадиган Маҳдий эмас. Чунки Маҳдийнинг чиқиши Қиёматнинг катта аломатларидан биридир. У, қаҳтонликдан анча кейин чиқади. Қаҳтонлик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замона охирида қуллар ичидан чиқиб хукм қиладиган ва қирол бўладиган Жаҳжоҳ ҳам эмас. Чунки Жаҳжоҳ қуллардан бири бўлади. Қаҳтонлик киши эса хур инсонлардан бири бўлиб, Ҳимяр,

Ҳамадон ва бошқа Яман қабилаларининг насабидандир.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадисини нақл қиласи: «Қаҳтондан бир киши чиқиб асоси (ҳукми) билан одамларни бошқарма- гунича, Қиёмат қоим бўлмайди». (Имом Бухорий (3517), Имом Муслим (7492)).

Одамларни «асоси билан бошқариши»нинг маъноси, одамларнинг динларида устивор ва динларига қатъий риоя этишлари ҳамда гуноҳкорларга қарши аёвсиз курашишидан киноядир. Чунки солиҳ бандадолат билан ҳукм қиласр экан, раҳбарлиги даврида гуноҳ ва мункар нарсаларнинг ёйилишига ижозат бермайди.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анхумо ушбу ҳадисни ривоят қилганида Муовия разияллоҳу анҳу аччиқланди ва ўрнидан туриб: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Бу иши (яъни, ҳукм қилиши) Қурайши (ликлар қўли)да бўлади. Модомики дин (Ислом)ни барпо қиласр эканлар, уларга қарши бўлганларни Оллоҳ расво қиласди», деганларини эшиштганман, – деди. (Имом Бухорий, 3500).

Муовия разияллоҳу анҳу қаҳтонлик кишининг чиқишини инкор этмади. Лекин, у, халифалик Қурайшдан бошқа қабилаларда бўлишининг жоиз эмаслигини таъкидламоқчи бўлди. Чунки ҳадисда: «Модомики динни барпо қиласар эканлар» жумласи бор. Ином Бухорий нақл қилган ҳадисда эса: *«Агар динни барпо қилиши маса иш уларнинг қўлидан чиқади»*, дейилган. Бу, ҳақиқатан рўй берди. Одамлар Қурайш раҳбарлигига яшашди. Қурайш динга эътиборсиз бўлиб қолгач, ишлари ҳам заифлашиб, раҳбарликлари тугаб битди ва бошқаларнинг қўлига ўтди.

Бу – Қиёматгача давом этадиган раббоний суннат – қонуният бўлиб, одамлар илохий хукмни ўзгартирганлари сайин, Оллоҳ ҳам улардан берган неъматларини олиб қўяверади.

Оллоҳим, ҳақиқатни бизга ҳақ қилиб кўрсат ва унга издош бўлишни ҳамда ботилни ботил қилиб кўрсат ва ундан йироқ бўлишни насиб эт!

Оллоҳим, мусулмонларни мағфират қил! ...

Оллоҳим ватанимиз ва хонадонларимизни осдува, раҳбар ва имомларимизни ислоҳ қил! Эй раҳмлилар

раҳмлиси, раҳбариятни Сендан қўрқиб, тақво қиладиган ва розилигингга эргашганлар қўлига бер!

Оллоҳим, қалбларимизни ҳидоят қиладиган раҳматингни ёғдир!

Оллоҳим, э Раҳмилар раҳмлиси! Бизни ўз ватанимизда хотиржам қил! Раҳбарларимиз ва имомларимизни ислоҳ айла!

Оллоҳим, раҳбариятни Сендан қўрқиб, тақво қиладиган ва розилигингга эргашганлар қўлига бер!

Оллоҳим, бу умматга тўғри йўлларни кўрсат-ки, унда гуноҳкорлар хор бўлсин, савобли ишларга чорлансин, гуноҳлар таъқиқлансан!

Оллоҳим, қалбларимиз ҳидоятланадиган, тарқоқлигимиз бирлашадиган ва биздан фитналарни узоқлаштирадиган раҳматингни ёғдир!

Оллоҳим, Пайғамбаримизга, Унинг оиласи ва асҳобларига салавоту саломлар йўлла!...

*давоми бор...*